

Рамл масалалари

05:00 / 16.01.2017 4221

Рамл - тавоф вақтида кўкракни кериб, қўлларни қимирлатиб, оёқларни яқин-яқин ташлаб, полвонларга ўхшаб шиддат билан юришдир.

Рамл қилиш ортидан Сафо ва Марвани саъй қилиш ирода этилган тавофнинг аввалги уч айланасида суннатдир. Кейинги тўрт айланада рамал йўқ, балки ўз ҳолатида юрилади.

Рамл аёллар учун эмас, эркаклар учун суннат ҳисобланади.

Тавофнинг дастлабки уч айланасида рамални тарк этиш

Рамл фақат дастлабки уч айланада суннатдир. Шунинг учун, агар киши бошидаги бир айланада рамални тарк этса ёки эсдан чиқарса, кейин фақат икки айланада рамал қилади, холос. Худди шундай, агар аввалги учта айланада рамални эсдан чиқарса ёки қасддан тарк этса, кейинги айланаларда рамал қилмайди, чунки кейинги айланаларда ўз ҳолатида юриш суннатдир.

("Фунятун носик")

Ҳамма айланаларда рамл қилиш макруҳ

Агар бир одам билмаганлиги туфайли тавофнинг етти айланасида ҳам рамл қилса, тавофи дуруст бўлади, лекин бу макруҳи танзиҳийдир. Худди шундай, ҳамма айланаларда рамлсиз, ўз ҳолатида юриш ҳам макруҳи танзиҳийдир.

("Ғунятун носик").

Қайси тавофларда рамл қилинади?

Саккиз хил тавофда рамл қилиш суннатдир:

1. Умра тавофида. Чунки, бу тавофдан кейин дарҳол саъй қилинади.
2. Ифрод ҳажи қилувчи кишига тавофи қудумдан кейин Сафо ва Марва орасида саъй қилиши суннатдир. Шунинг учун бу тавофи қудумда ҳам рамал суннат амаллардан ҳисобланади.
3. Таматтуъ ҳажини қилувчи кишига ҳам умра тавофида рамал қилмоқ суннатдир. Чунки ундан кейин умра саъйини адо қилмоқлик бор.
4. Таматтуъ қилувчи киши ҳажнинг саъйидан олдин қандай тавоф қилса ҳам (у хоҳ фарз тавоф бўлсин, хоҳ нафл), унда рамалнинг бўлмоғи суннатдир.
5. Агар қирон ҳажи қилувчи киши тавофи қудумдан кейин ҳаж саъйини қилмоқчи бўлса, унинг бу тавофи қудумида рамалнинг бўлиши суннат ҳисобланади.
6. Қирон ҳажи қилувчи киши ҳажнинг саъйидан олдин қандай тавоф қилса ҳам (у хоҳ фарз тавоф бўлсин, хоҳ нафл), унда рамалнинг бўлмоғи суннатдир.

7. Макка аҳли ёки таматтуъ қилувчи ҳаж эҳромига киргандан кейин, агар арафа кунидан олдин (тавофи зиёратдан кейинги тиқилинчдан сақланиш истагида) ҳаж саъйдан фориғ бўлишни хоҳласа, саъйдан олдин бир нафл тавоф қилмоғи лозимдир ва бунда ҳам рамалнинг бўлмоғи суннатдир, негаки, ортидан саъй қилиш ирода этилган ҳар бир тавофда рамал қилиш суннатдир.

8. Агар соч қирдириш ёки қисқартиришдан олдин тавофи зиёрат қилса ҳамда арафа кунидан олдин Сафо ва Марва орасида саъй қилмаган бўлса, бу суратда тавофи зиёратда рамл ва изтибоъ – иккиси ҳам суннатдир. Шунинг учун, агар арафа кунидан олдин Сафо ва Марва орасида вожиб саъйни қилган бўлса ва саъйдан олдинги тавофда рамал ҳам қилган бўлса, энди тавофи зиёратда иккинчи бор рамалнинг зарурати йўқ.

("Фатово Қозихон").

Рамл борасида Маккий ва офоқийнинг ҳукми

Имом Абу Ҳанифа, имом Шофеъий ва имом Молик раҳимаҳумуллоҳлар ҳамда жумҳури умматнинг наздида офоқий ва Маккий - иккаласи учун ҳам рамал суннатдир; усул шуки, қайси тавофнинг изидан Сафо ва Марванинг саъйи ирода қилинса, ўша тавофда рамал суннатдир. Шунинг учун офоқий агар умра тавофини қилса, тавофда рамал суннат бўлади. Шунингдек, маккалик киши ҳажнинг эҳромини боғлаб, Минога равона бўлишдан олдин Сафо ва Марванинг саъйини қилмоқчи бўлса, саъйдан олдин нафл тавоф қилади. Унда рамал ва изтибоъ қилиш Маккий учун ҳам суннатдир.

Албатта, имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳнинг наздларида Маккий, яъни Маккалик учун рамал суннат эмас. У кишининг раъйларига фақат у кишининг йўлидагилар амал қилади.

("Авжазул масолик", "Ибн Қудома, ал-Муғний").

Изтибоънинг ҳукми

Изтибоъ қилиш, яъни эҳром матосини ўнг қўлтиғдан чиқариб, чап елкага ташлаб, ўнг елкани эса очиқ қолдирмоқ, ортидан Сафо ва Марва саъйи бўлган ҳар бир тавофнинг етти айланасида суннатдир. Изтибоъ билан рамалнинг икки фарқи бор:

1. Рамалда эҳром ҳолати шарт эмас, изтибоъда шарт. Агар ҳожи арафа кунидан олдин Сафо ва Марванинг саъйини қилмай, наҳр кунини Ақоба тошини отгандан сўнг эҳромни ечса, ундан кейин тикилган кийим кийиб, тавофи зиёрат қилса, ортидан саъй ҳам қилади. Шунинг учун (ортидан саъй ҳам қилгани учун) бу тавофда рамал суннат, лекин изтибоъ машруъ (шаръан дуруст) эмас. Сабаби, тикилган кийимда рамал машруъ, изтибоъ эса машруъ эмасдир.

2. Рамал фақат учта айланада суннат, изтибоъ эса етти айлананинг ҳаммасида суннатдир.

Хулоса шуки, эҳром ҳолатида бажариладиган ва ундан кейин Сафо ва Марванинг саъйи бўлган ҳар қандай тавофда изтибоъ суннатдир. Бошқа тавофларда машруъ (шаръий жиҳатдан дуруст) эмас.

Изтибоъ фақат эркаклар учун суннат, аёллар учун эмас.

("Ғунятун носик").

Тавоф асносида кўкрак ёки қоринни Каъбатуллоҳга қаратиб айланиш

Киши тавоф асносида кўкраги ёки орқасини қасддан Каъбатуллоҳга қаратиб (ёни билан) , шунингдек, гоҳ кўкрагини, гоҳ орқасини қилиб айланса ёки тавоф қилдирувчи тескари юриб бошқа кишини тавоф қилдирса, бу суратда тавофнинг шакли бузилгани учун уни қайтадан бажариш вожиб бўлади. Чунки, киши тавофда олд тарафига қараб, яъни ўзининг одатий ҳолатида юриши вожибдир. Агар ўша тавофни қайта адо этмай, ватанига жўнаб кетса, вожибни тарк қилгани сабабли Ҳарамда бир қурбонлик сўйдириши лозим бўлади.

("Раддул муҳтор", "Маносики Мулло Али Қорий").

Беихтиёр Каъбатуллоҳга қараб тавоф қилиш

Ҳаж мавсумида тавоф қилинадиган жой шу қадар тиқилинч бўладики, баъзан тавофнинг барча одоблари ва вожибларига риоя қилиб тавоф қилиш ва олд тарафга тўғри қараб юриш имкони бўлмай қолади. Баъзан эса одамнинг юришига зарурат қолмайди, балки уни оломоннинг ўзи олиб кетаверади. Бундай вазиятда киши ўзининг табиий юриш ҳолатини сақлаб тура олмайди. Шундай тиқилинчда беихтиёр, (бурулмасликка ҳаракат қилса ҳам) ўзи хоҳламаган тарзда кўкси ёки орқаси Каъбатуллоҳ тарафга қараб қолса, бундан тавофга бирор нуқсон етмайди. Унга бирор каффорат ҳам лозим бўлмайди. Чунки, қаттиқ тиқилинч сабабидан гоҳида вожиб ҳам кечирилади. Масалан, Муздалифа вуқуфи тиқилинч сабабидан камқувват кишилардан кечирилгани каби.

("Ғунятун носик").

Тавоф асносида Каъбатуллоҳга қараб айланиш

Тавоф асносида юзни Каъбатуллоҳга қаратиб айланиш макруҳи танзиҳийдир, яъни одобга хилофдир. Намозхон намоз ичида сажда жойига қараб туриши намознинг одобларидан бўлганидек, тавоф қилувчи ҳам у ёққа, бу ёққа қарамасдан, олдига қараб юриши тавофнинг одобларидандир. Ҳатто, "Муаллимун ҳужжож" китобида юзни Каъбатуллоҳга қаратиб айланиш тавофдаги ҳаром амаллардан, деб

айтилган. Шунинг учун киши тавоф чоғида сокинлик, хотиржамлик ва виқор билан ўзининг олд тарафига қараб юриши лозим.

("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож").

Тавофни бошлашда кўкрак ва юзни ҳажари асвадга қаратиб қўл кўтариш

Ҳажари асвад рўпарасида туриб, кўкрак ва юзни ҳажари асвадга қаратиб, намоздаги такбири таҳримадаги каби икки қўлни қулоқлар ёки елкалар баробар кўтариб, такбир айтиб ва шу ҳолатда ният қилиб тавофни бошлаш суннатдир.

("Ғунятун носик").

Тавоф асносида кўкрак ва юзни ҳажари асвадга қаратиш

Тавоф давомида ҳар айлананинг тугашида кўкрак ва юзни ҳажари асвадга қаратиш мустаҳабдир.

("Бадойиус санойиъ", "Ғунятун носик")

Ишкол ва жавоб

Юқорида "Тавоф асносида юзни Каъбатуллоҳга қаратиб айланиш макруҳи танзиҳийдир, яъни одобга хилофдир.", дейилган эди. Ваҳоланки, ҳажари асвад рўпарасига келганда кўкрак ва юз унга қаратилади. Бу нега манъ қилинмайди? Саволнинг жавоби шуки: "Тўғри, тавоф асносида кўкрак ва юзни Каъбатуллоҳга қаратиш манъ қилинган, лекин тавоф қилувчи бир айланиб ҳажари асвад рўпарасига етиб келганда бир айланиш тугаган ҳисобланади. Чунки, тавофдаги ҳар бир айлана алоҳида тавофнинг ҳукмида бўлади, ҳар гал ҳажари асваддан янги тавоф бошланади ва янги

тавофни бошлашда эса Каъбатуллоҳга юзланиш мустаҳабдир”. Хулласи калом шуки, тавоф асносида кўкрак ва юзни Каъбатуллоҳга қаратиш манъ қилинса ҳам, ҳар айлананинг бошида ва тугашида манъ қилинмайди, балки бу суннат ҳамда мустаҳаб амаллардан ҳисобланади.

("Бадойиус санойиъ").

Ҳажари асвадни истилом қилиш

Истиломнинг маъноси: икки қўлни ҳажари асвадга қўйиб, уни (ҳажари асвадни) ўпиш ёки ҳажари асвадга қўлни теккизиб ёки чўзиб, қўлнинг ўзини ўпишдир. Ҳажари асваднинг истиломи ҳар тавофнинг боши ва охирида суннат, ҳар айлана тугашида эса мустаҳабдир. Агар тавофдан кейин Сафо ва Марва орасида саъйи қилинса, тавоф намозидан кейин яна истилом қилиб, Сафо тепалигига бориш суннатдир.

("Ғунятун носик").

Қайси нарсаларни ўпиш мумкин?

Ҳар ер, ҳар инсон ва ҳар нарсани ўпиш жоиз эмас. Балки, махсус мақомлар, махсус инсонларни ва махсус нарсаларни ўпиш ҳадиси шариф ва салафи солиҳлардан собитдир. Масалан, ота-она ўзининг балоғатга етган ва етмаган болаларининг пешонасидан ўпиши ва болалар ҳам ўзларининг ота-оналарининг пешонасидан ўпиши ҳадисдан собитдир. Фотима розияллоҳу анҳо ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганлари ҳадиси шарифда зикр қилинган. Яна “Ғуня” китобининг соҳиби ўпиш мумкин бўлган бир неча нарсаларни айтганлар. Уни қуйида нақл қиламиз:

1) Ҳажари асвадни ўпиш;

- 2) Мусхаф, яъни Қуръони каримни ўпиш;
- 3) Яхши ва солиҳ уламоларнинг қўлларини ўпиш;
- 4) Сафардан келувчиларни ўпиш, (башартики, номаҳрам бўлмаса);
- 5) Яхши ва солиҳ маййитнинг пешонаси ва юзини ўпиш;.

Демак, ҳаж ёки умрадан қайтиб келувчиларнинг пешонасини ўпиш ҳам шубҳасиз жоиз экан.

("Ғунятун носик").

Тавоф асносида калом ва мулоқот

Киши тавоф асносида бирор дўсти учрашиб қолса, у билан сўрашиш ёки зарурат миқдорида гаплашишда бирор зарар йўқ. Яна, масала-масоил ва диний гаплардан сўзлашиш ҳам бекароҳат жоиз. Албатта, ортиқча гапларни сўзлашиш макруҳдир.

("Фатҳул Қадийр", "Ғунятун носик").

Тавоф асносида жамоат намози бошланиб қолса...

Киши тавоф қилаётган вақтда фарз намози учун иқомат айтилса, унга тавофни келган жойида тўхтатиб, жамоатга қўшилиш лозим бўлади. Намоздан фориф бўлгач, тавофни тўхтатган жойидан давом эттириб, охирига етказди. Суннат ва нафл намозларни эса кейинроқ адо этади.

Тавоф чоғида жаноза намози ҳозир бўлганда ҳам ҳукм шу.

("Фатово ҳиндийя").

Тавоф асносида таҳоратнинг синиши ёки ҳайзнинг бошланиши

Агар кишининг тавоф асносида таҳорати синса, тавоф айланаларини ўша жойда тўхтатиши лозим. Янгиттан таҳорат қилиб келгач, тавофни қолган жойидан давом эттиради.

Лекин, тавоф асносида аёл кишининг ҳайзи бошланса, тавофни ўша жойда тўхтатади ва ҳайздан пок бўлгач, янгитдан тавоф қилади.

("Авжазул масолик", "Зубдатул маносик")

Тавоф чоғида таҳорати синган киши қайта таҳорат қилгач

Агар кишининг тавоф асносида таҳорати синса, таҳорат қилиб келгач, тавофни ҳажари асваднинг рўпарасидан бошлайдими ёки бетаҳоратлик етган жойданми? Жавоб шуки, тавофни таҳорат синган жойдан бошлаш мумкин, аммо эҳтиёт юзасидан ҳажари асвад рўпарасидан бошлаш яхшироқ.

("Ғунятун носик")

Ҳайз ҳолатида эҳромга кириш

Ҳайз ҳолатида эҳромга кириш, Минода шайтонга тош отиш, Сафо ва Марва орасидада сайъ қилиш ва тамоми амалларни бажариш жоиз, фақатгина тавоф қилиш, намоз ўқиш жоиз эмас холос.

1. Тавофда аёллар учун рамал (полвон юриш) қилиш суннат эмас.

2. Агар тавоф асносида аёл кишининг ҳайзи бошланиб қолса, тавофни тўхтатиб, пок бўлгандан кейин уни қайта адо қилади .

3. Агар аёл кишининг саъй қилиш асносида ҳайзи бошланиб қолса , саъйини ўша ҳолатда мукаммал қилаверади.

4. Агар аёли киши таматтуъ ҳажи нияти билан мийқотдан эҳром боғласа, умра арконларини адо қилишидан олдин ҳайзи бошланиб қолса ва ҳаж кунигача пок бўлмаса, умра эҳромини ечиб ҳаж эҳромини боғлайди. Ҳаждан кейин умра қазосини адо қилади ва биринчи эҳромини умрасиз ечиб юборгани учун бир қурбонлик сўйиши лозим бўлади ва унинг ҳажи ҳажжи таматтуъ эмас, балки ҳажжи ифрод ҳисоблади.